

Чорток тумани

2022 йил “26” июл

**JAVOXIR CHORTOQ MO'JIZASI MCHJ** номидан низом асосида иш юритувчи Н.Тўрабоев бир томондан (бундан бўён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) хамда **Чорток туман ҳалқ таълими бўлими** номидан низом асосида иш юритувчи **Ф.Баходиров**, иккинчи томондан (бундан бўён матнда “Буортмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳакида мазкур шартномани туздик:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” **Чорток туман ХТБга қарашли Чорток туман ХТБга қарашли 16-мактаб биноси иситиш тизимини жорий таъмирлаш** ишларини кўрсатиш мажбуриятини олади. “Буортмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул килиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажralmas кисми бўлган спецификацияда келтирилади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буортмачининг ҳуқуклари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хохишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:

– камчиликларни белул бартараф этиш ёки Буортмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;

– баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;

– шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буортмачининг мажбуриятлари:

– ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;

– ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуклари:

– буортмачидан амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

– буортмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асосиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

– ушбу шартномага мувофиқ ёки Буортмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топширикка биноан хизматларни белгиланған муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

– агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чикса, Буортмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча камчиликларни белул бартараф этиш.

### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **141,220,370.00** (Бир юз кирқ бир миллион икки юз йигирма минг уч юз етмиш) сўм, ҚҚС билан.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буортмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фойзи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг хисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун хисоб-китобнинг қолган кисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича хисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг хисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб хисобланади.



4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси хисобварак-фактура тузилган кун деб хисобланади.

Газначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун хисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган холда кўрсатилган хизматни қабул килишини рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган микдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топширикка киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб хисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган холатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар хажми, уларнинг сифати кўрсатилган хисобварак-фактура бўйича қабул килинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофик ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (кўлда), поча орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (кўлда) қабул килганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул килинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор килишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган холда ўзгартиришга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, микдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини хисобга олган холда кайта хисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу хисобланган суммага қўшимча равиша мижозга нотўғри хисобланган сумманинг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни коплайди.

5.4. Хизматлар кечикирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пена тўлайди, аммо жариманинг умумий микдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вактида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов микдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пена тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан копланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофик ҳал килинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар иктисадий судларда ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки кисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, терористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги конунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий ҳарактердаги карорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қиласа, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вакти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вактига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳакида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор килиши шарт. Агар юкорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос килиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган хужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод килинишига асос сифатида юкоридаги ҳолатларни келтириш хукувидан маҳрум килади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш максадида кўриладиган ҷоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласидан бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартноманинг бекор килишнинг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартноманинг бекор килиш хукукига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килишга ҳакли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

### VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар кандай ноконуний устунликларга ёки бошқа ноконуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки кимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва ҳалқаро хужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид ҳалқаро хужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар кандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бенул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуслар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар кандай ҳаракатларни содир этишдан бош торгади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар кандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўргасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузилиши мумкин деб гумон қиласа, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор килишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга кадар тўхтатиб туришга хақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва коидаларнинг бузилганилиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича ҳалқаро хужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.



8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласи. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш максадида бир-бирига ўзаро ёрдам берин учун оқилона харакатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш максадида текширувлар ўtkазиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноконуний хатти-харакатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу Шартноманинг бекор килинишигача бўлган нохуш окибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар маҳфийлик тамойилларига риоя килган холда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий окибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошка томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор килиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат ёзма равиша тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласи.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (кўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

JAVOXIR CHORTOQ MO'JIZASI MCHJ

Манзиз: Чорток туман Бўлон МФЙ

X/P:20208000405069948001

Банк номи: Миллий банк Чорток филиали

МФО: 00932

ИНН: 306260259

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Бажарувчи:

Н.Тўрабоев

Буюртмачи:

Чорток туман ҳалқ таълими бўлими

Чорток шахар Истиклол хиёбони кўча 6-уй

P/c: \_\_\_\_\_

Л/с: 100022860142367092100075071


Банк реквизитлари: М.Б. ХККМ

МФО : 00014

ИНН: 200107722

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Ф.Баҳодиров



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma № 7

2. Loyihaning nomi: Pudart shartnomasi

Chortoq tuman xalq ta'limi bo'limi va "JAVOXIR CHORTOQ MO'JIZASI" MCHJ o'rtasida Chortoq tuman XTBga qarashli 16-maktab binosi isitish tizimini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risida.

3.. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Chortoq tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 25.07.2022 yilda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlari muvofiq muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti:**



X.Boyazov